

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОЗИМЖОНОВ АБРОРБЕК

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА
ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economics sciences**

Козимжонов Аброрбек

Хўжалик юритувчи субъектларда қарз мажбуриятлари бўйича
харажатлар ҳисобини такомиллаштириш..... 3

Козимжонов Аброрбек

Совершенствование учета расходов по долговым обязательствам в
хозяйствующих субъектах..... 25

Kozimjonov Abrorbek

Improving the accounting of expenses on debt obligations in economic
entities 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОЗИМЖОНОВ АБРОРБЕК

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА
ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt1811 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдусаломова Нодира Баходировна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Ризаев Нурбек Кадинович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Болтаев Аббор Сайитмурадович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил:100066, Тошкент шаҳар, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (998971) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100066, Тошкент шаҳар, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (998971) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кун тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари олдидаги энг муҳим муаммолардан бири, бу озиқ-овқат етишмовчилик муаммосидир. Сўнгги ўн йилда дунёдаги бир қанча мамлакатлар озиқ-овқат инқирозини бошдан кечирган. Бутун дунё бўйлаб энг арзон ва асосий озиқ-овқат манбаи буғдой ҳисобланади. Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги корпоратив статистик маълумотлар базасида «2020 йилда буғдой экспорти тахминан 44,8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Йилдан-йилга глобал буғдой экспорти қиймати 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 10,7 фоизга ошди»¹. Шу боисдан, мамлакат иқтисодиётида донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш зарурати долзарблигини янада оширади.

Жаҳонда фаолият юритаётган донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг асосий вазифаларидан бири дон маҳсулотларини етиштириб берувчи хўжаликлардан қабул қилинган донни сақлаб ва қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолига келтиришдан иборат. Шу ўринда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг ахамияти катта. Дон маҳсулотларига эҳтиёж билан таъминот ўртасидаги мувозанатни назорат қилиб туриш ҳар бир давлат озиқ-овқат хавфсизлиги даражасида ҳам доимо долзарб ҳисобланади. Шундай экан, донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари фаолияти доирасида илмий тадқиқот ишлари кенг қўламли равишда олиб борилмоқда. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари ривожланишида қарз маблағларини тўғри ташкил этиб, унинг ҳисобини юритишда янги механизмларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида бугунги кунда мавжуд хомашё ресурсларидан унумли фойдаланиш масаласи устувор этиб белгиланган. «Мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишни мақсад қилганмиз. Жумладан, «хомашёдан – тайёр маҳсулотгача» деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш»² каби вазифалар белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ юртимизда етиштирилаётган хомашёдан унумли фойдаланиш мақсадида донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида янги технологияларни жорий этиш ва модернизация ишларини олиб бориш учун хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаб, халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш эвазига инвестиция оқимини ошириш йўллари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада юртимизда 2021 йил 1 январдан бошлаб Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб, молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш қонун билан белгилаб қўйилган.

¹ International Trade Centre, Trade Map. worldstopexports.com веб сайти маълумотлари.

² Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз» нутқи. Халқ сўзи.06.11.2021й.

Шу боис, донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқ қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2021-йил 3 апрелдаги ПҚ-5052-сон «Давлат органлари ва корхоналарини енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодийнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектларида амалга ошириладиган харажатлар ҳисобининг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ўрганиш доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган Жумладан, мазкур муаммонинг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ўрганиш масалаларига хорижлик олимлардан Herve Stolowy, Yuan Ding, Jonh A.Tracy, Ciaran Connolly, С.А.Тунин, Л.Б.Трофимова; В.Г.Гетьман, А.Д. Шеремет, В.Ф.Палий, А.В.Колесова, Э.Уайлман ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган³.

Мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари ҳисобланган А.А.Абдуганиев, Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, К.Б.Уразов, С.Қодирхонов, Р.О.Холбеков, А.Ж.Туйчиев, Х.А.Ортиқов,

³ Herve Stolowy, Yuan Ding Financial Accounting and Reporting // Andover : Cengage Learning, 2020.688-pages.; John A. Tracy ,Tage C. Tracy How to Read a Financial Report : Wrining Vital Signs Out of the Numbers // 9th Edition. John Wiley & Sons Inc. New York 2020, United States. 208-pages.; Ciaran Connolly International Financial Accounting and Reporting // Chartered Accountants Ireland Dublin 2, Ireland2018.634-pages.; Тунин, С.А. Международный учет и стандарты финансовой отчетности: учебное пособие // С. А. Тунин, А. А. Фролова. – Ставрополь: б.и., 2013. – 89 с.; Трофимова Л.Б. Международные стандарты финансовой отчетности, 5-е изд., испр. и доп. Учебник и практикум для бакалавриата, специалитета и магистратуры. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – 242с. – ISBN: 978-5-534-10749-4 – Текст электронный // ЭБС ЮРАЙТ – URL: <https://urait.ru/book/mezhdunarodnye-standarty-finansovoy-otchetnosti-431438>; Гетьмана В.Г. Международные стандарты финансовой отчетности: учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. – М. : ИНФРА-М, 2019. – 624 с.; А.Д.Шеремет и др. Бухгалтерский учет и анализ. Учебник. // Под общ. ред. А.Д. Шеремета. 2-е изд., испр. и доп. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2014. – 426 с.; Палий В.Ф. Международный стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. – М., 2014.-267 с.; Колесова А.В. Методические обеспечение процессного подхода к анализу затрат предприятия.// Дис...канд.экон.наук Сургут – 2012.; Уайлман Э. Сокращение затрат // Эндрю Уайлман: пер.с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2009.

Н.Б.Абдусаломова, Б.Ю.Махсудов, И.Н.Қўзиев, Ш.Т.Эргашева, Н.К.Ризаев, М.Б.Калонов, С.Н.Ташназаров ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁴.

Бу иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида харажатлар ҳисоби, ишлаб чиқариш ҳисобининг умумий жиҳатлари ўз ифодасини топган. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларда, хусусан, донни қайта ишлаш корхоналарида қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни бухгалтерия ҳисобида юритиш масалалари алоҳида объект сифатида ўрганилмаган.

Бугунги кунда донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш услубиёти ишлаб чиқилмаганлиги, тармоқнинг ривожланишида харажатларни бошқаришда тизимли тадқиқ қилиш бўйича ёндашувларнинг амалда мавжуд эмаслиги, хусусан, харажатлар ҳисобини юритиш юзасидан мавжуд муаммонинг баъзи жиҳатларига бухгалтерия ҳисобининг халқаро тажрибаларига асосланган ҳолда ҳал этиш билан боғлиқ масалалар бўйича тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда илмий иш олиб боришни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-6-сон «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобининг назарий ва услубий асосларини илмий асослаш;

«Ўздонмаҳсулотлари» АК таркибига кирувчи корхоналарда қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш амалиётини татбиқ қилиш;

⁴ Абдуганиев А.А. Дис...икт.фан.д-ри. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш ва таҳлили. БМА.1998.; Хасанов Б.А, Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: Янги нашр, 2011.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Дис...икт.фан.д-ри. БМА. – Т., 2009. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Дис...икт.фан.д-ри. БМА. – Т., 2002.; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. – Т.: Фан, 2005. -236 б.; Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Ўзбекистон, 1993.; Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубиёти. Дис...икт.фан.д-ри. – Т., 2006.; Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Дис...икт.фан.д-ри. – Т., 2011.; Ортиқов Х.А. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари. – Т.: ЎЗР БМА, номзод.дисс.автореф., 2000.; Абдусаломова Н.Б. Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. Икт.фан.фал.д-ри (PhD). дисс.автореф. – Т., 2017. – 26 б.; Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Икт.фан.док (DSc) дисс.автореферати. – Т.: ТМИ, 2018.; Қўзиев И.Н., Абдувоҳидов Ф.Т., Дадабоев Ш.Х. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2019. -403б.; Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019. – 227 б.; Калонов. М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Икт.фан.д-ри (DSc). дисс.автореф. – Т., 2019. – 19 б.; Ташназаров С.Н., Ташназарова Д.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. – Самарқанд: СамИСИ, 2018. – 421 б.

«Ўздонмахсулотлари» АК таркибига кирувчи корхоналарда қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобининг амалдаги ҳолатини тадқиқ қилиш ва уларга доир муносабатларни такомиллаштириш;

қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида қарзлар бўйича харажатлар ҳисобининг услубий асосларини такомиллаштириш йўллари белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўздонмахсулотлари» АК таркибига кирувчи донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини юритишда юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, индукция, дедукция, қиёсий таққослаш, назарий ва амалий ўрганиш, статистик таҳлил, омилли таҳлил, иқтисодий-математик ҳамда бухгалтерия ҳисоби усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини юритишда харажатларни «актив сифатида тан олинадиган харажатлар» ва «актив сифатида тан олинмайдиган харажатлар»да ҳисобга олиб бориш таклиф этилган;

донни қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарида капитализация қилинадиган харажатларни ҳисобга олишда 2400 – «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар» номли ишчи счётини очиш ҳамда 2410 счётини амалий қўллаш бўйича бухгалтерия ўтказмалари тизими таклиф этилган;

турли хил фоиз ставкадаги банк кредитлари бўйича капиталлаштириш ставкасини фоиз харажатларга нисбатан ўртача тортилган миқдори орқали аниқлаш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботида илова сифатида капитализация қилинган харажатлар ва капиталлаштириш ставкалари тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи изоҳли шакл ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қарз мажбурияти бўйича харажатлар ҳисобини БҲХС (IAS) 23 – «Қарзлар бўйича харажатлар» стандарт талабларига мослаштириш учун капитализация қилиш босқичлари таклиф қилинган;

қарз мажбурияти бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счёт «Асака дон маҳсулотлари» АЖнинг 2021 йил ҳисоб сиёсати билан тасдиқланган ишчи счётлар режасига киритилган;

жалб қилинган турли хил фоиз ставкалардан ҳосил бўладиган банк кредит фоизлари бўйича капитализация қилинадиган суммаларини аниқлаш методи ишлаб чиқилган;

капитализация қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш учун намунавий изоҳли шакл «Асака дон маҳсулотлари» АЖнинг 2021 йил учун тузилган ҳисоб сиёсатига киритилиши натижасида молиявий ҳисоботга илова сифатида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси «Ўздонмахсулот» АҚга қарашли хўжалик юритувчи субъектлар расмий манбаларидан олинганлиги, тадқиқотлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва таҳлилий маълумотларга асосланганлиги, шунингдек, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан донни қайта ишлаш корхоналари қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар донни сақлаш ҳамда қайта ишлаш корхоналарида қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни самарали бошқариш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хўжалик юритувчи субъектларда қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини юритишда харажатларни «актив сифатида тан олинадиган харажатлар» ва «актив сифатида тан олинмайдиган харажатлар»да ҳисобга олиб бориш таклифи «Асака дон маҳсулотлари» АЖнинг МХХС бўйича 2021 йил учун тузилган «Ҳисоб сиёсати»га киритилган («Ўздонмахсулот» АҚнинг 2022 йил 27 январдаги 14-1-23/85-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида квалификацияланган активни яратишда қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилиш методикаси ва босқичларини қўллашда қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни тан олиш, тан олишни тўхтатиб туриш ва капитализацияни тугатиш ишларида ижобий натижага эришган;

донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида капитализация қилинадиган харажатларни ҳисобга олишда 2400 – «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар» номли ишчи счётини очиш ҳамда 2410 счётини амалий қўллаш бўйича бухгалтерия ўтказмалари тизими таклифи «Асака дон маҳсулотлари» АЖ томонидан 2021 йил 6 сентябрдаги 1-сон билан тасдиқланган МХХС бўйича ҳисоб сиёсати билан амалиётга жорий этилган («Ўздонмахсулот» АҚнинг 2022 йил 27 январдаги 14-1-23/85-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида жамият томонидан амалга оширилаётган қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни йил давомида «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар» номли ишчи счётида жамғариб бориб ҳисобот даври мобайнида капитализация қилинадиган суммани аниқлаш аниқлик ва шаффофликка эришилган;

турли хил фоиз ставкадаги банк кредитлари бўйича капиталлаштириш ставкасини фоиз харажатларга нисбатан ўртача тортилган миқдори орқали аниқлаш таклифи «Асака дон маҳсулотлари» АЖ томонидан 2021 йил 6 сентябрдаги 1-сон билан тасдиқланган МҲХС бўйича ҳисоб сиёсати билан амалиётга жорий этилган («Ўздонмаҳсулот» АКнинг 2022 йил 27 январдаги 14-1-23/85-сон маълумотномаси). Ушбу методда тавсия қилинган формулалар амалиётга жорий этилиши натижасида «Ўздонмаҳсулот» АК таркибидаги «Асака дон маҳсулотлари» АЖ МҲХС бўйича ҳисоботида 2021 йилда амалга оширган қарз мажбуриятлари бўйича харажатларнинг 16,1%и капитализация қилинишига эришилган, бунинг натижасида, соф фойда 0,7 % га кўпайган.

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботида илова сифатида капитализация қилинган харажатлар ва капиталлаштириш ставкалари тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи изоҳли шакл «Асака дон маҳсулотлари» АЖ томонидан 2021 йил 6 сентябрдаги 1-сон билан тасдиқланган МҲХС бўйича ҳисоб сиёсати билан амалиётга жорий этилган («Ўздонмаҳсулот» АКнинг 2022 йил 27 январдаги 14-1-23/85-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида жамият томонидан капитализация қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотлари БҲХС (IAS) 1 «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш» талаблари асосида тавсия қилинган шакллардан фойдаланиш натижасида молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун ахборотнинг ишончлилиги ва шаффофлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 2 та, халқаро нуфузли журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 11 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зурурлиги асосланган, мақсади ва вазифалари белгиланган, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижасида олинган хулосаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар талаб даражасида келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида донни сақлаш, қайта ишлаш корхоналарининг тутган ўрни ва уларда қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг назарий

асослари» деб номланиб, иқтисодиёт тармоқларида донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг тутган ўрни ва уларда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари, уларда қарз мажбурияти бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ҳуқуқий-меъёрий асослари ёритилган.

Тадқиқот ишларимизда COVID-19 коронавирус пандемияси шароитида 2020 йилда дунё мамлакатлари буғдой экспорти тахминан 44,8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Йилдан-йилга глобал буғдой экспорти қиймати 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 10,7 фоизга ошди ва ушбу кўрсаткич 2021 йилда 15 фоизгача ортиши тахмин қилинмоқда⁵.

Юртимизда фаолият олиб бораётган турли хил тоифадаги хўжаликлар томонидан COVID-19 коронавирус пандемияси шароитида дон экинлари миқдори 2021 январь-сентябрь ойларида 6 346,5 минг тонна бўлиб, 2020-йилнинг мос даврига нисбатан 95,4 фоизни ташкил қилган⁶.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудида етиштирилган ҳамда импорт қилинган дон экинларини қайта ишлаб ун ва ҳайвонлар учун ем-озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикасини куйидаги 1-жадвалда кўриш мумкин. 1-жавдалда кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси саноатида ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал суръатларда ошиб келмоқда. «Ўздонмаҳсулот» АК таркибидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари 2015 йилга нисбатан 2020 йилда 125,8 фоизга ортган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг айрим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси⁷

Тоннада

Корхона номи / маҳсулот номи	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
«Ўздонмаҳсулот» АК таркибидаги корхоналар						
Ун маҳсулоти	1322469	1315396	1424781,6	1466945,5	1488767,7	1663909,2
Ҳайвонлар учун ем-озуқа	901236,8	913864	921738,9	866120,7	883763,7	881296,8
Бошқа корхоналар						
Ун маҳсулоти	738308,7	950860	1170985,7	1250663,3	2210632,1	1844850,7
Ҳайвонлар учун ем-озуқа	76644,9	124276	141239,6	259809,6	126038,8	205171,8

Бошқа корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари эса 2015 йилга нисбатан 2020 йилда 249,9 фоизга, ҳайвонлар учун ем-озуқа маҳсулотлари эса 2,7 марта ортганлиги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди.

⁵ Дунё Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти расмий веб сайти маълумотлари <https://www.fao.org/faostat/ru/#data/SCL>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси расмий веб сайти маълумотлари. <https://stat.uz/uz/>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. <https://stat.uz/uz/>

Республикамизда ун маҳсулотини ишлаб чиқариш хусусий сектордаги корхоналарда улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ушбу статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ва давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналар мисолида кўриш мумкин.

Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари фермер ва деҳқон хўжаликларидан қабул қилинган донни сақлаб, қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолига келтириб, аҳолини сифатли ва рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаши учун корхоналарда модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш лозим. Модернизациялаш ишлари учун корхоналарга катта миқдорда маблағ керак. Бу маблағларни хорижий ва маҳаллий инвесторларни ёки қарз маблағларини жалб этиш орқали амалга ошириш мумкин.

Бу иқтисодий ислоҳотларни, яъни сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, молиявий аҳволини яхшилаш, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларни амалга оширишда ижобий натижаларга эришиши учун корхоналарда қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди ва қарз мажбуриятлари молиявий ҳисоботнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, «Мажбурият хўжалик юритувчи субъектнинг ўтган давр ва амалдаги фаолияти натижасида вужудга келган жавобгарлик бўлиб, жавобгарликни бажарилиши оқибатида хўжалик юритувчи субъектнинг фойда келтириши мумкин бўлган иқтисодий ресурсларини бошқа корхоналарга бериб юборилиши тушунилади». Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари молиявий ва бошқарув фаолияти давомида мажбуриятлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ташкил этганда мажбуриятларни қуйидаги 4 гуруҳга ажратиб олган ҳолда, амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1. Акциядорлар ва таъсисчилар олдидаги мажбуриятлар.

2. Давлат солиқ органлари ва мақсадли жамғармалар олдидаги мажбуриятлар.

3. Жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлар.

4. Юридик шахслар олдидаги мажбуриятлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жалб этилган қарз маблағлари эвазига вужудга келувчи фоиз ва бошқа кўринишдаги харажатлар қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобланади.

Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этишдан мақсад квалификацияланадиган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни ушбу активнинг бошланғич қийматига киритишдан иборат. Иқтисодий адабиётларда ушбу жараён капитализация деб номланади.

Муаллифнинг фикрича, бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан: «Капитализация бухгалтерия ҳисобидаги айрим турдаги харажатларни актив сифатида тан олиш ва бунинг натижасида харажатлар дастлаб амалга ошириладиган вақтда эмас, балки фойдаланиш муддати даври бўйича тақсимланиши тушунилади».


Тадқиқотда иқтисодий адабиётлар таҳлили натижасида квалификацияланган активлар тушунчасига ҳам муаллифлик таърифи келтирилган. Унга кўра:

«Квалификацияланган активлар узок вақт талаб этиб, маълум бир шарт-шароитлар, белгиланган вазифалар асосида хўжалик эҳтиёжлар учун ёки сотиш учун мўлжаланган активлардир».

Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этиш чоғида қуйидаги активларни квалификацияланган актив сифатида ўрганиш мумкин:

- асосий воситалар;
- номоддий активлар;
- инвестиция кўчмас мулклар;
- товар моддий захиралар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этишда қарзлар бўйича харажатларни актив сифатида тан олиш учун 1-расмга мувофиқ 4 босқичда амалга ошириш таклиф этилади.



1-расм. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилиш босқичлари⁸


Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг 1-босқичи «Қарз мажбуриятлари бўйича юзага келган харажатларни «актив сифатида тан олинадиган харажатлар» таркибида туриши ва квалификацияланадиган активнинг бошланғич қийматига киритилишини аниқлаш»да квалификацияланадиган актив таърифидан (муаллифлик ёндашув асосида берилган таъриф) келиб чиққан ҳолда тайёрланаётган активни аниқлаб олиш керак.

Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг 2-босқичи «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилишни

⁸ Тадқиқот давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

бошлаш (яъни харажатларни актив сифатида тан олишни бошлаш)»да капитализация, яъни актив сифатида тан олишни бошлаш учун 23-сон «Қарзлар бўйича харажатлар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти(БҲХС)да кўрсатиб ўтилган талабларидан келиб чиқиб, қуйидаги 4 та шарт таклиф этилди:

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида 2-расмдаги 4 та шарт бир вақтда амалга оширилгандагина квалификацияланадиган актив учун жалб этилган қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар актив сифатида тан олиниши илмий асосланди. Квалификацияланадиган актив учун олинган маблағ маълум бир вақтга инвестиция қилинса, инвестициядан олинган даромад капитализация қилинадиган суммадан чегириб қолинади.



2-расм. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилишни бошлаш шартлари⁹

Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг 3-босқичи «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилишни тўхтатиб туриш» баъзи ҳолатларда учраб туриши мумкин. Квалификацияланувчи активни фойдаланишга тайёрлаш даврида фаолият маълум бир сабабларга кўра тўхтаб турган вақтда харажатни актив сифатида капитализация қилиниши ҳам тўхташи лозим.

Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг 4-босқичи «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилишни якунлаш»да квалификацияланадиган активни фойдаланишга тайёрлаш фаолияти якунланганда харажатни актив сифатида капитализация қилишни ҳам якунига етказиш лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш амалиёти**» деб номланиб, бу бобда донни салаш ва қайта ишлаш корхоналарида қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш амалиёти, яъни жалб қилинган қисқа ва узок муддатли қарзлардан


⁹ Тадқиқотлар асосида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

вужудга келган фоиз харажатлари ва молиявий ижарага тааллуқли фоиз харажатлари ҳисобини ташкил этиш масалалари ўрганилган.

Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари фаолияти давомида вужудга келган капитализация қилинадиган қарз мажбуриятлари бўйича фоиз ва бошқа кўринишидаги харажатларни «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар» номли ишчи счётида амалга оширишлари мақсадга мувофиқ.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» (21-сонли БҲМС)нинг 1-илоvasи Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режасига мувофиқ 2400 – «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар»да аналитик ҳисобини эса 2410 – «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар» счётида юритиш таклиф этилади.

Қуйидаги 3-расмдаги схемада юқоридаги таклифлар асосида донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида жалб этилган қисқа ва узок муддатли кредит ҳамда бошқа қарзлардан вужудга келган фоиз харажатлари ва молиявий ижарага тааллуқли фоиз харажатларини ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия ўтказмалари келтирилган.



3-расм. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш схемаси¹⁰

Молиявий ижара бўйича фоиз харажатларнинг капитализация қилиш ҳисоби 16-сонли «Ижара» номли МҲХС ва 23-сонли «Қарзлар бўйича харажатлар» номли БҲХС асосида юритилади. 23-сон БҲХСнинг олтинчи бандида «16-сон МҲХС «Ижара» номли стандартга мувофиқ тан олинган ижара мажбуриятлари билан боғлиқ фоизлар»¹¹ қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар таркибига кириши

¹⁰ Тадқиқот давомида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

¹¹ 23-сон БҲХС «Қарзлар бўйича харажатлар»

кўрсатиб ўтилган. Бундан келиб чиқадики, донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара мажбуриятлари билан боғлиқ фоиз харажатларини капитализация қилиш мумкин.

Тадқиқот объектида «Асака дон маҳсулотлари» АЖ 2021 йил 10 январда янги омборхона қуриш ишлари учун 10 йил муддатга йилнинг охирида 200 000 минг сўм тўлаш шарти билан молиявий ижара шартномаси асосида автокран сотиб олган (ижара шартномасида назарда тутилган фоиз ставкаси йиллик 14 %). Бундай молиявий ижара бўйича вужудга келувчи харажатлар ҳисобга олиниши ҳамда капитализация қилиниши кўриб чиқилади.

2021 йил 10 январь ҳолатига жамият томонидан жалб этилган молиявий ижара асосида сотиб олинган автокран ва молиявий ижара бўйича мажбуриятлар жорий қийматини 10 йил учун $PV = FV / (1 + i)^{n12}$ ушбу дисконтлаш формуласи орқали аниқлаб олинади ($FV=200\ 000$; $i=14\%$; $n=10$).

2-жадвал

«Асака дон маҳсулотлари» АЖда молиявий лизинг асосида сотиб олинган автокран учун ойлик тўлов жадвали¹³,

минг сўмда

Молиявий ижара календарь вақти	Давр бошига молиявий мажбуриятнинг жорий қиймати	Молиявий ижара бўйича фоиз харажатлар	Молиявий ижара бўйича ойлик тўлов	Давр охирига молиявий мажбуриятнинг қолдиқ қиймати
	1	2	3	4=1+2-3
31.12.2021	1 043 223	146 051	200 000	989 274
31.12.2022	989 274	138 498	200 000	927 773
31.12.2023	927 773	129 888	200 000	857 661
31.12.2024	857 661	120 073	200 000	777 733
31.12.2025	777 733	108 883	200 000	686 616
31.12.2026	686 616	96 126	200 000	582 742
31.12.2027	582 742	81 584	200 000	464 326
31.12.2028	464 326	65 006	200 000	329 332
31.12.2029	329 332	46 106	200 000	175 438
31.12.2030	175 438	24 562	200 000	0
Жами		956 777	2 000 000	

2-жадвал маълумотларига кўра 2021 йил учун молиявий ижара шартномаси бўйича – 146 051 минг сўм фоиз кўринишида харажатлар вужудга келган. 2021 йил давомида автокран омборхона қурилиш ишларида иштирок этган ва 2-расмдаги «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилишни бошлаш шартлари» бўйича барча шартларга жавоб берди. Демак, ушбу автокран квалификацияланадиган актив яратиш билан бевосита узвий боғланган. Шундай экан, молиявий лизинг бўйича фоиз кўринишида харажатларни капитализация қилиш мумкин.

¹² Каримов Н.Ф. ва Хожиматов Р.Х. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011. – 801 б.

¹³ «Асака дон маҳсулотлари» АЖ бухгалтерия маълумотлари асосида тайёрланди.

2021 йил учун молиявий лизинг бўйича қуйидаги икки ёқлама ёзувлар акс этирилиши лозим:

Молиявий ижара бўйича фойдаланиш ҳуқуқидаги актив, яъни автокран сотиб олинганда бошланғич қиймат бўйича кирим қилинганда қуйидаги икки ёқлама ёзув билан акс этирилади:

Дт Фойдаланиш ҳуқуқидаги актив счёти
(БҲМС бўйича 0310 счёти) 1 043 223 минг сўм;

Кт Молиявий ижара бўйича мажбурият счёти
(БҲМС бўйича 7910 счёти) 1 043 223 минг сўм.

Молиявий ижара бўйича фоиз харажатлари ҳисобланганда:

Дт Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар счёти
(БҲМС бўйича таклиф этилаётган 2410 счёти) 146 051 минг сўм;

Кт Молиявий ижара бўйича мажбурият счёти
(БҲМС бўйича 7910 счёти) 146 051 минг сўм.

Агар хўжалик юритувчи субъект молиявий лизинг бўйича фоиз кўринишдаги харажатларни капитализация қилса, қуйидаги икки ёқлама ёзув билан акс этирилади:

Дт Омборхона қурилиши счёти
(БҲМС бўйича 0810 счёти) 146 051 минг сўм;

Кт Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар счёти
(БҲМС бўйича таклиф этилаётган 2410 счёти) 146 051 минг сўм.

Диссертациянинг учинчи боби «**Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш йўллари**»га бағишланган. Мазкур бобда донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш, улар ҳақидаги маълумотларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари даражасида тақдим этиш масалалари кўриб чиқилган.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси (IASB) – бутун дунёдаги бухгалтерия ҳисоби соҳаси вакиллари аъзоларини бирлаштирган, ҳуқуматга оид бўлмаган халқаро бухгалтерия ҳисоби ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва доимий такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва ҳисоб юритишни такомиллаштириш бўйича кенг

қамровли ишлар амалга оширилиб, ушбу соҳа бўйича бир қанча меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда¹⁴.

Тадқиқот ишида қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилишга доир Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) ва Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) таҳлил қилиниб, 3-жадвалга мувофиқ натижалар олинди.

3-жадвал

24-сон БХМС ва 23-сон БҲХС ларнинг таҳлили¹⁵

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (бўйича)	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (бўйича)
Қарзлар бўйича харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади	
1. Банклардан олинган қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз харажатлари	1. Самарали фоиз ставкаси усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобланадиган фоиз харажатлари
2. Қарзлар билан боғлиқ дисконт (чегирмалар) ёки мукофотлар (устамалар)ни ҳисобдан чиқариш, шу жумладан – облигация дисконтлари (чегирмалари) ёки мукофотлари (устамалари)ни бўйича харажатлар	
Мавжуд эмас	2. Фоизлар бўйича сарфларга тузатиш тарзида қабул қилинадиган даражада, чет эл валютасидаги қарзларни жалб этишдан келиб чиқадиган курс фарқлари
Квалификацияланган актив	
1. Бинолар, иншоотлар. 2. Ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналари.	1. Ишлаб чиқариш қувватлари
3. Номоддий активлар; 4. Электростанциялар; 5. Инвестициявий кўчмас мулк.	2. Номоддий активлар. 3. Электр генерация қилувчи қувватлар. 4. Инвестициявий кўчмас мулк. 5. Мева экинлари. 6. Захиралар.
1. Такрорий асосда кундалик катта миқдорларда ишлаб чиқариладиган ТМЗ, ҳатто уларни ишлаб чиқариш узоқ вақт талаб этса ҳам (масалан, виски, вино, коньяк ва ҳ.к.) квалификацияланган актив ҳисобланмайди	1. Корхона бевосита харид қилиш, қурилиш ёки ишлаб чиқаришга тегишли бўлган қарз олиш бўйича харажатларга мазкур стандартни қўллашга мажбур эмас. 2. Мунтазам асосда катта миқдорларда ишлаб чиқариладиган ёки барпо этиладиган захиралар
Квалификацияланган актив ҳисобланмайди	
Харид қилиш пайтида белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун ёки сотиш учун тайёр бўлган активлар	БХМС билан бир хил

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарори.

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу тахлилий жадвалда МХХС талабларида қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар самарали фоиз ставкаси усулидан фойдаланган ҳолда капитализация қилинади. Тадқиқот ишида самарали фоиз ставка усулидан фойдаланиш учун бир қанча формулаларни таклиф этилди.

